

0111-02-01-27  
08.06.2021 й



**Вилоят статистика бошқармасининг коррупцияга қарши  
Идоравий комиссияси йиғилиши  
БАЁНИ № 4**

2021 йил 7 июнь

Самарқанд ш.

**Раислик қилувчи:**

**Т.Сидиков - Бошқарма бошлиғи**

**Қатнашдилар:**

Комиссия аъзолари, бошлиқ  
ўринбосарлари, бошқарма бўлим  
бошлиқлари ва ходимлари ҳамда  
шаҳар ва туманлар статистика  
бўлимлари (рўйхат бўйича)

**КУН ТАРТИБИ**

1. Вилоят прокуратурасининг 2021 йил 31 майдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Самарқанд вилоят идоралараро комиссияси 7-сонли мажлис баённомаси” тўғрисида.

2. Давлат статистика қўмитаси тизимида маънавий маърифий ишларнинг янги тизimini яратиш бўйича 2021 йил учун “ЙЎЛ ХАРИТАСИ”нинг VII-бўлими Давлат статистика қўмитаси тизимида ижтимоий маънавий муҳит ҳолатини мустаҳкамлаш, “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори остида маънавий таҳдидларга қарши курашиш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, маҳаллийчилик каби салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар” ҳақида.

(С.Сидиков, Ш.Абдиев, Ш.Тошпўлотов, З.Сафаров, Х.Холмўминов, Т.Сидиков)

Кун тартибидаги 1-масала юзасидан бошқарма бошлиғи Т.Сидиков сўзга чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш бўйича Самарқанд вилояти идоралараро комиссиясининг Самарқанд туман ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш ҳақида тўхталиб, кейинги пайтларда вилоятда рўй бераётган коррупцион ҳолатлар ҳақида бошқарма ходимларига ахборот бериб, бунинг натижаси қандай оқибатларга олиб келиши тўғрисида огоҳлантирар экан бу ҳақидаги видео-роликлар ходимларга намоиш этилди.

Коррупцион ҳолатларни бугунги кунда айрим шахслар бошқа ном билан номлаб олиб, кимдир “ҳадия” деса кимдир “хурмат” дейишини яна кимдир “ёрдам” дейишини таъкидлаб, бунинг барчаси порахўрликка йўл эканлигини таъкидлаб ўтиб бунга тарихдан мисоллар келтириб ўтди:

Жумладан, амалдорга ҳалол нарса фақатгина маошидир. Мурожаат қилаётган кишилардан оладиган ҳар қандай нарсаси, гарчи сўрамаса-да ҳаром ва хиёнатдир. Абу Довуд роҳимахуллоҳ Набий саллоллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади. Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: “Биз бир кишини бир вазифага қўйиб унга бир нарса берсак, бу унинг маошидир. Бундан кейин оладиган нарсаси хиёнатдир. Имом Аҳмад роҳимахуллоҳ ўз “муснад”ларида Набий саллоллоҳу алайҳи ва салламдан қуйидаги ҳадисни ривоят қиладилар: “Амалдорларга берилган ҳадя хиёнатдир!”.

Ҳадялашиш кишилар ўртасида муҳаббатни зиёда қилади. Набий саллоллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ҳадяларни қабул қилганлар. Ўзлари ҳам ҳадя берган кишини мукофотлар эдилар. Кўп ҳадя берар эдилар. Аммо иш мансабга боғланса, ўзгача тус олади. Ўртага манфаатлар ва фойдалар кирса иш бузилади. Бунда ҳадя ҳадяликдан порага қараб ўтиб кетади. Бунақанги ҳолатларда ҳадя юзхотир учун, ишларни йўлга қўйиш учун берилади. Хусусан, савдо-сотик ишларида шундай бўлади. У пора бериш ва олиш эвазига ривожланиб, мустаҳкамланиб боради. Агар савдо ва тижорат ишларида ҳалақит бериб турган амалдор мавжуд мансабида бўлмаганида унга ҳеч ким бир тийин ҳам бермас эди. Демак, унинг мансаби учун пора бериляпти, шахси учун эмас.

Шундан сўнг кун тартибидаги 2-масала юзасидан бошқарма бошлиғининг ўринбосари Ш.Тошпўлотов сўзга чиқиб, тизимда ижтимоий маънавий муҳит ҳолатини мустаҳкамлаш, маънавий таҳдидларга қарши курашиш, эл-юрт тақдирига лоқайдлик, коррупция, маҳаллийчилик каби салбий иллатларнинг олдини олишга қаратилган тадбир мунтазам амалга оширилиб келинаётганлиги муҳокама этилиб, тизим ходимларига янгидан қабул қилинаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни доимий равишда таништириб, уларнинг мазмун-моҳиятини белгиланган тартибда тушунтириш ишлари амалга ошириляётганлигини айтиб ўтди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахслар билан статистика тизимида коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик чоралари кўрилганлиги ҳамда унинг барвақт олдини олиш борасида тизимли ишлар амалга ошириляётганлигини жумладан, бошқарманинг расмий веб-сайтида бошқарма раҳбарияти тўғрисидаги маълумотлар, “Ишонч телефонлари” тўғрисидаги маълумотлар, давлат статистика органлари фаолиятининг очиклигини таъминлашга оид ҳужжатлар ва ахборотлар жойлаштирилганлиги, бошқарманинг веб-сайтига Қўмитанинг жисмоний ва юридик шахслар ўртасида “Давлат статистика органларида коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича сўровнома”си жойлаштирилганлиги ва веб-сайт орқали интерактив хизматлар кўрсатиб келинаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиб, йиғилиш

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1.Вилоят прокуратурасининг 2021 йил 31 майдаги “Коррупцияга қарши курашиш бўйича Самарқанд вилоят идоралараро комиссияси 7-сонли мажлис баённомаси” маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бошқарманинг коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий комиссияси раиси (Ш. Абдиев)га:

- Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган давлат дастурлари ва бошқа конун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирларни ташкил этиш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун ҳужжатларини мазмун-моҳиятини тушунтириш, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олишга қаратилган кўргазмалар ва тарқатма материаллар (плакатлар, баннерлар, буклетлар ва бошқалар)ни тайёрлаш ва тарқатиш;

- коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижалари бўйича оммавий ахборот воситалари ва интернет тармоғида кенг ахборот-тарғибот ишларини олиб бориш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида статистика органлари мансабдор шахслари ва ходимларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган комплекс тадбирларни амалга ошириш;

- ходимларни одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилишлари, ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, холислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилишларини таъминлашга ҳамда лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

- статистика органларида хавфга дучор бўлган соҳа ва йўналишларни аниқлаш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймасликнинг таъсирчан чораларини кўриш, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни, шарт-шароитларни йўқ қилиш асосида коррупциянинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

- сўровлар, ижтимоий бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги етук мутахассисларни жалб қилган ҳолда 9 декабрь – "Халқаро коррупцияга қарши кураш куни"га бағишланган "Очиқ эшиклар куни"ни ташкил қилиш.

3. Ахборот хизмати (Эшонқулов)га бошқарманинг расмий веб-сайтига коррупцион ҳолатларни олдини олиш бўйича видео-роликлар жойлаштириб борилишини таъминласин.

4. Ушбу баённома қарорининг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия котиби

Х.Холмўминов